

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди  
№ 428-43  
2016 йил



“Банк иши”

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини  
қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури

Тошкент – 2016

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

*Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури Олий ва ўрта  
махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-устувий бирликлари*

*2016 йил 26-майда олиш ва соғли байномаси билан  
маъқулланган.*

Тузувчилар:

“Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари”  
модули: с.ф.д., проф. И.Эргашев, ю.ф.н., доц.  
В.Тошпаев.

“Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”  
модули: п.ф.д., профессор Н.А.Муслимов, п.ф.н.  
М.Т.Мирсодиқов, п.ф.н. доц. М.Усманбаева, А.Исламова.

“Таълим жараёнида ахборот-коммуникация  
технологияларини қўллаш” модули: ф-м.ф.н. доцент  
Х.Холматов, ф-м.ф.н. доцент Д.Иргашева, катта ўқитувчи  
В.Хамидов.

“Амалий хоржий тил” модули: Ўзбекистондаги  
Британия Кенгашининг ётақчи мутахассислари, катта  
ўқитувчи У.Гиясова.

“Тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш асослари”  
модули: с.ф.д., профессор С.Жўраев, п.ф.н., Х.М.Алимов,  
Махсус фанлар бўйича: Хоржий эксперт Ёсом Ха / Ёсон  
(Корея)

Ишчи гуруҳ: и.ф.н., доцент Ш.Р.Раҳмонова, и.ф.н.,  
доцент Н.Н. Обломуродов.

Тақризчилар:

Хоржий эксперт: Энукко КАКИУ Мейлин Университети  
(Япония).

Ш.А.Тошматов - Д/Б, “Мониторинг ва финанслар”  
кафедраси профессори, и.ф.д.

Ўқув дастури Тошкент давлат иқтисодий университетининг Кенгашининг қарори билан  
тасдиққа таъсия қилинган (2016 йил \_\_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ сонли байномо).

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил  
12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта  
тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-  
тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар  
мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида  
қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини  
такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг  
касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва  
қонунчилик нормалари, илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат,  
таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий  
хоржий тил, тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар  
негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув  
жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар,  
педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи,  
мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича  
янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Дастур доирасида берилётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог  
кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг  
тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида  
шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог  
кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илгор  
хоржий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация  
технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив  
ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий  
фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия  
жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли тахлил қилиш, шунингдек,  
педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ  
компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари  
ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг  
махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига  
қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қуйидаги  
модулла мазмунини ўз ичига қамраб олади:

**I. Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари**

1.1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожига ва  
таълим-тарбия масалалари.

1.2.Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари.

**II. Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат**

2.1.Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.

2.2.Банк бошқарувининг симуляцияси.

### III. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш

3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.

3.2. Банкларда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари.

### IV. Амалий хорижий тил

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

### V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари

5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш технологиялари.

5.2. Банк рискларини бошқаришда қарорларни қабул қилиш.

### VI. Махусу фанлар

6.1. Замонавий банк иши.

6.2. Халқаро банк иши ва молия.

6.3. Монетар сиёсат.

### VII. Педагогик амалиёт

### VIII. Малакавий аттестация

#### Қуренинг максали ва вазифалари

Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш қуренинг максали педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларини юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунгазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Қуренинг вазифаларига қуйидагилар кирди:

- “Банк иши” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш;

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштиришини таъминлаш;

- махусу фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илгор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

- “Банк иши” йўналишида ўқув жараёнини фан ва илмоб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

#### Қурс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:

“Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари”, “Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли

таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талабалар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махусу фанлар бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

#### Тингловчи:

- банк тизимидаги янги инновацияларни;
- мамлакат пул тизимини тартибга солиш ва бошқаришнинг устувор йўналишларини;
- ривожланаётган мамлакатларда монетар сиёсатни амалга ошириш ва билвосита воситалардан фойдаланиш хусусиятларини;
- арзон ва қиммат пуллар сиёсатини;
- тижорат банклари молиявий ресурсларини бошқариш билан боғлиқ муаммоларни илмий таҳлил қилишни;
- тижорат банклари молиявий ресурсларини бошқариш билан боғлиқ меърий ҳужжатларни;
- тижорат банклари активлари, пасивлари ва ликвидлигини бошқаришни;
- банк фойзалари ставкаси ва таркибини;
- тижорат банклари молиявий ресурсларини бошқариш усулларини;
- тижорат банклари молиявий ресурсларини бошқаришга таъсир этувчи омилларни билишни керак.

#### Тингловчи:

- банк рейтинглари ва уларни аниқлаш;
- мамлакат пул тизимини тартибга солиш ва бошқариш;
- макрокисодий индикаторларни прогнозлаш;
- монетар, фискал ва бюджет сиёсатлари боғлиқлиги ва давлат иқтисодиётига таъсирини билиш;
- Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси, мажбурий захиралар ставкаси ва очик бозори сиёсати орқали мамлакат пул-кредит тизимини тартибга солишни башоратлаш;
- пул агрегатлари ва пул массаси таркибини ҳисоблаш тартиби ва пул мультипликатори ҳаракатини механизмини тушунтири олиш каби кўникмаларига эга бўлиши лозим.

#### Тингловчи:

- макро ва микро даражада пул массасини тартибга солиш усуллари;
- товар ва молия бозорлари, товар ва пул бозорлари ўртасидаги мувозанат;
- товар ва молия бозорлари, товар ва пул бозорлари ўртасидаги мувозанатни баҳолаш;

• монетар, фискал ва бюджет сибёатлари боғлиқлиги ва давлат иқтисодий таъсирини баҳолашга оид малакаларига эга бўлиши зарур.

#### Тингловчи:

- хужжатлар тахлили ва тижорат банклари касса айланмаси ҳисоб-китоб прогнозини тузиш;
- мамлакат банк тизимида амалга оширилаётган иқтисодий ислохатлар ҳамда уларнинг асосий максадларини талабаларга етказиш;
- пул-кредитни тартибга солишнинг назарий асослари ва замонавий назарияларнинг илгор йўналишларини талабаларга етказиш;
- мамлакатда пул айланиши ташкил этиши, иқтисодиётда инфляциян ўсиш сабаблари, миллий валюта барқарорлигини таъминлаш мақсадидаги чора-тадбирлар усулларини амалиётга қўллаш;
- халқаро банк амалиётидаги инновацион банк хизматлари, уларнинг имкониятлари ва мамлакат банк тизимида жорий этиш муаммоларини бартараф этиш *компетенциялари*га эга бўлиши лозим.

#### Курс ҳажми

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Ўқув юкламаси ҳафтага 36 соат этиб белгиланган. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши бўйича таълим дастурларини тўлиқ ўзлаштирган ва Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони 3-илоvasи билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

«Банк иши» йўналиши бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг мазмун

#### I. Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривож ва таълим-тарбия масалалари.

Инсон онг ва тафаккурининг янгилашиши жамият ривожланишининг муҳим омилли сифатида. Глобаллашув ва ижтимоий-маънавий ҳаётдаги ўзгаришлар тенденцияси ва истиқболлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Озол ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард максадимиз”, “Юксак маънавият – енгилмас куч, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”, “Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида”, “Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий максадимиз”, “Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш- мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир”, “Она юртимиз бахти иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” ва бошқа асарларида жамият ривож ва таълим-тарбия масалаларининг ёритилиши.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган маърузаларида таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини модернизациялаш билан боғлиқ вазифаларнинг белгиланиши.

#### 1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари.

Норматив-ҳуқуқий хужжатлар тушунчаси ва турлари. Норматив-ҳуқуқий хужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга қиритиш тартиби. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. “Таълим тўғрисида”ги Қонун. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг босқичлари ва асосий йўналишлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сон Қарори, 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сон Фармони, 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Ўзлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 5-сон Қарори, 1998 йил 5 январдаги “Ўзлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 4-сон Қарори, 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон Қарори, 2006 йил 10 февралдаги “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш хусусидаги 20-сон Қарори, 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори, 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар қиритиш ҳақида”ги 3-сон Қарори, 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 242-сон қарори ва бошқалар.

Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурлари тушунчаси ва уларга қўйиладиган талаблар. “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низом. Олий



таълим муассасаларида мустақил таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида” ги Низом. “Магистратура тўғрисида” ги Низом. “Очик лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида” ги Низом ва бошқа меъёрий ҳужжатлар. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича хорижий таъриба.

## II. Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

### 2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.

Олий таълим тизимини модернизациялашнинг устувор йўналишлари. Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари, инновацион жараёнларнинг кечиб босқичлари. Педагогик технологиянинг таснифи, қонуниятлари, тамойиллари ва мезонлари. Таълим-тарбия жараёнини технологиялаштириш асослари.

Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишнинг инновацион шакл, метод ва воситалари.

Шахста йўналтирилган таълим технологияларининг мазмуни, йўналишлари. Таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш ва мустақил таълимни ташкил этиш асосидаги инновацион таълим технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, интерфаол таълим, модулли-кредит тизими, blended learning (аралаш ўқитиш), case study (кейс стади), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар технологиялари, ассимет методларидан ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш. Ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш, портфолиоларни шакллантириш ва амалиётга татбиқ этиш.

Педагог касбий компетентлигининг тузилиши ва мазмуни. Педагогнинг психологик, методик, информацион, креатив, инновацион компетентлиги мазмун-моҳияти. Педагогик маҳорат асослари ва таркибий қисмлари. Ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги, педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланиш. Педагогик деонтология. Нутқ техникаси ва маданияти. Аудиторияда шахслараро муносабатларни самарали ташкил этиш ва гуруҳни оптимал бошқариш. Педагогик низоларни самарали ҳал этиш йўллари. Замонавий педагог имиджи ҳамда ўқитувчининг ўз-ўзини касбий ва шахсий такомиллаштириб бориши.

Креативлик - педагогик ижодкорликнинг асоси сифатида. Олий таълим педагог кадрларининг креатив потенциал тушунчаси ва моҳияти. Педагогларда креатив компетентликни шакллантиришнинг зарурий шарт-шароитлари, моделлари. Касбий фаолиятда позитив-фаол мотивация ва педагог кадрларнинг креатив потенциални баҳолаш мезонлари. Таълимни ахборотлаштириш шартлида педагог кадрлар креатив имкониятларини баҳолаш мезони.

### 2.2. Банк бошқарувининг симуляцияси.

Банк бошқарувининг симуляцияси асосида ўқув жараёнини ташкил этиш хусусияти. Дастурий таъминотда банк бошқарувчисининг роли. Дастурий таъминотни қўллаш учун талаб этиладиган минимал техник конфигурация. Банк бошқаруви симуляцияси ўтказиладиган аудитория.

Тингловчиларнинг дастурий таъминот билан ишлашлари. Виртуал кўринишда шакллантирилган иқтисодий муҳитда банк бошқарувини ташкил этиш. Банк бошқаруви стратегияси ва уни амалга ошириш.

Банк бошқаруви симуляцияси асосида инвестиция стратегияларини тузиш. Жорий иқтисодий муҳитдан келиб чиқиб кредит ва депозит операцияларида фойз ставкаларини белгилаш. Ресурсларни жалб қилиш ва самарали жойлаштириш стратегиялари.

## III. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш

### 3.1. Электрон педагогика ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.

Педагогик жараёнда ахборот-коммуникация ва интерактив технологияларидан фойдаланиш. Таълимий Интернет ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш. Интернет тармоғининг асосий хизматлари. Zyuonet.uz ва бошқа таълим порталлари ресурслари билан ишлаш. Интернет тармоғида педагогларнинг, талабаларнинг электрон мулоқот муҳитида жамоа бўлиб ишлаш шакллари. Блог, форум ва тематик чатларни ташкил этиш усуллари. Педагогларнинг тармоқдаги ҳамкорлиги.

Педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини ташкил этиш. Электрон портфолио тушунчаси, таркиби, мазмуни ва имкониятлари. Ахборот технологиялари воситасида педагогнинг электрон портфолиосини шакллантириш. Электрон ахборот-таълим муҳитида педагогик жараёни лойиҳалаштириш. Moodle дастури асосида ўқув ресурсларини яратиш.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалардан фойдаланиш, амалий дастурий воситалар ёрдамида электрон дарслиklar, тренажерлар, виртуал лаборатория машғулотларини яратиш усуллари. Офис дастурларида электрон ўқув-методик материалларини яратиш усуллари (Microsoft Word, Excel, Power Point ва б.). Web 2.0/3.0 технологиялари ва уларнинг ёрдамида электрон дидактик материалларни яратиш ва ўқув-тарбия жараёнида қўллаш.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалар химоясини таъминлаш. Аутентификациялаш ёрдамида химоялаш. Химоялаш воситалари.

### 3.2. Банкларда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари.

Банк автоматлаштирилган ахборот-коммуникацион тизимлари ва технологиялари. Банк автоматлаштирилган ахборот тизимларининг техник ва дастурий таъминоти. “Мижоз-сервер” архитектураси. Интеграциялашган банк ахборот-коммуникацион тизимлари таркибий тузилиши. Банкларда ахборот технологияларининг дастурий таъминоти. “АСБТ-Банк”, “ИАБС”, “НСГ” ва бошқа аналогик дастурий таъминотлар мажмуаси. Банк тизимининг модуллари ва улар орасидаги ҳисоб-китобларни автоматлаштириш.

Банклар Интернет тармоғидаги веб-сайтлари, интерактив хизмат турлари ва улар асосида банк хизматларини кенгайтириш. Банклар томонидан таклиф қилинадиган банк хизматларининг асосий рўйхати. Масофавий хизмат кўрсатиш тизимларини жорий этиш ва ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари.

тузулиши. Педагогик вазиятларнинг тизимли тахлилини амалга ошириш. Тизимли тахлилини амалга оширишнинг асосий босқичлари. Тизимли тахлилини амалга ошириш моделлари. Тизимли тахлилини амалга ошириш методлари. Тизимли тахлил натижаларини манба шаклига келтириш технологияси.

Қарор тушунчаси ва унинг асосий вазифалари. Қарор турлари ва уни қабул қилиш усуллари. Қарорларни тайёрлашга қўйиладиган талаблар. Қарор вариантларини тайёрлаш технологияси. Қарор қабул қилиш жараёни ва педагог шаҳси. Қарорларни қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар. Педагогик жараёни бошқаришда қарорлар (тезкор, тактик ва б.).

Қарор натижаларини баҳолашнинг экспертли ва прогностик методлари. Қарорлар самарадорлигини баҳолаш мезонлари. Қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш механизми.

## 5.2. Банк рискларини бошқаришда қарорларни қабул қилиш

Банк рисклари, уларнинг банк фаолиятига таъсири. Банк рискларининг таъсирланиши. Банк рискларни баҳолашнинг асосий усуллари. Умумий рисклар ва уларни баҳолаш усуллари. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида тижорат банкнинг ликвидликлиги ва бошқариш. Кредит ва фойз рисклари. Фойз ставкасини бошқариш усуллари. Банк рискларининг асосий турларига қиёсий таъсирнома, уларнинг ўзаро боқимчилиги ва фарқлари.

Кредит риси, унинг юзага келиш шароитлари. Кредит рискларини баҳолаш. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида кредит рискларининг олдини олиш усуллари. Қарз олувчининг фаолияти билан олдиндан танишиш. Мижознинг пул оқими ва молиявий коэффицентларини тахлил қилиш. Лойиҳани техник-иқтисодий жиҳатдан тахлил қилиш, кредитларнинг мақсадлилиги ва тўлаш манбалари. Мижознинг кредитга лаёқатлилиги кўрсаткичлари ва уларнинг кредит рискларини камайитиришдаги ўрни. Жаҳон амалиётида кредит рисклар ва уларни бошқариш усуллари.

Банк рискларини бошқариш стратегияси. Банк рискларини бошқариш усуллари. Диверсификация, сугурталаш, кредитнинг таъминланганлиги, гаров, кафолатлар, валюта рисклари ва уларни хеджерлаш. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида банк рискларини бошқариш билан боғлиқ муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари.

## VI. Махсус фанлар

### 6.1. Замонавий банк иши.

Замонавий банк тизимининг таркиби. Банк тизимининг иқтисодийдаги асосий вазифалари. Замонавий банк ишини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари.

Тижорат банки фаолиятининг самарадорлиги ва молиявий барқарорлиги. Мижозларга кўрсатиладиган чакана хизматлар. Банк ишини ташкил этишнинг замонавий тенденциялари ва стратегиялари. Тижорат банкларида стратегик бошқарув. Банк хизматларини кўрсатишда стратегик маркетинг. Банкларнинг инвестиция фаолияти.

Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари: «Банк-мижоз» тизими, Интернет-банкнинг, Мобил ва SMS-банкнинг тизимлари.

Пластик карточкалар билан ишлаш технологияси. Пластик карточкалар асосида электрон тўловларни амалга ошириш технологиялари. Банк пластик карталари орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш тизими. Онлайн пластик карта хизматларини тақомиллаштириш чора-тадбирлари. Замонавий ахборот-коммуникацион тизимлари асосида Uzcard чакана тўловлар тизимини ривожлантириш.

Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳуқуқат” тизими доирасида замонавий банк тўлов тизимларини, шу жумладан, чакана тўловларларни интеграциясини таъминлаш. Чакана тўловларларни реал вақт режимида амалга оширишни таъминлаш, тегишли клиринг ва биллинг тизимларидан фойдаланишни кенг татбиқ этиш.

Банк фаолиятида электрон ҳужжат алмашув тизимини тақомиллаштириш. Банкларда ахборот-коммуникация технологияларини тақомиллаштириш шароитида хавфсизлик ва ахборотларни муҳофаза қилиш тизимини кучайтириш.

## IV. Амалий хорижий тил

### 4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

Хорижий тилни ўқитиш ва ўрганишдаги ислохотлар. Тил бўйича Европа стандарти ва унинг талқини. Тил алоқа (коммуникация) воситаси сифатида ва тилга оид билим ва кўникмаларни шакллантириш усуллари. Тилни ўрганишда муваффақиятга эришиш шарт-шароитлари: касбий интерактив мулоқот муҳити, мулоқот клубларини ташкил этиш, ўзининг тил кўникмалари даражасини баҳолаш ва бошқ. Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика-В1-В2 ораллиғида). Тил ўрганишда ўқитувчи ва ўргатувчиларни роли. Тил ўрганиш учун зарур ўқув-аудио, методик ва онлайн ресурслар Тили ўрганилаётган мамлакат маданиятини билишнинг аҳамияти. Маданиятлараро мулоқот компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳақида чет тилида гапира олиш).

Мулоқот мавзулари: кундалик ҳаётга оид (шахсий маълумот, оила ҳақида маълумот, бўш вақтни ўтказиш ва ҳоказо) ижтимоий ҳаётга доир, таълимга ва касбга йўналтирилган мавзулар.

Мутахассисликка оид матнларни ўқиш, уларни тушуна олиш, оғзаки баён эта олиш, ўз фани бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда сохага оид хорижий тилдаги атамалардан фойдаланиш.

## V. Тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш асослари

5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш технологиялари.

Тизимли тахлил тушунчаси. Тизим ва тизимлар назарияси. Тизимли методология ва тизимли ёндашув. Тизимлар классификацияси. Тизим структураси. Тизимли тахлилнинг мақсади ва вазифалари. Тизимли тахлилдан педагогик фаолиятда фойдаланиш техникаси. Педагогик тизим ва унинг

Тижорат банкларида инновацион банк хизматларини такомиллаштириш ва улар фаолиятини самарали олиб бориш. Электрон банк тизими ва масофадан хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантиришдаги муаммолар ва унинг амалий ҳолати. Жаҳон амалиётларидаги банк технологиялари, уларнинг Ўзбекистон Республикасида қўлланилиши ва истиқболлари. Янги банк хизматларини жорий қилиш, банк хизматлари бозорига рақобатдошлигини таъминлаш.

Иқтисодиётнинг модернизациялаш шароитида тижорат банкларининг кредит портфелини бошқариш тактикаси ва стратегияси. Банк активларининг сифати даражаси ва диверсификацияси. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тижорат банклари активларини бошқариш сиёсати. Исмеъмоёл кредитида скоринг тизимини жорий этиш ва бошқариш.

Ўзбекистон банк тизимининг ривожланиш хусусиятлари. Икки поғонали банк тизими ва Марказий банк функциялари. Ўзбекистонда инкирозга қарши чора-тадбирлар дастури ва банкот корхоналарни соғломлаштириш тажрибаси.

### 6.2. Халқаро банк иши ва молия.

Халқаро молия хусусиятлари. Халқаро молия ва халқаро тақрор ишлаб чиқариш жараёнларининг ўзаро боғлиқлиги. Халқаро молия тизими афзалликлари.

Халқаро молия муносабатлари ва валюта тизимининг асосий хусусиятлари. Валюта тизими тушунчаси ва кўринишлари. Валюта тизимининг элементлари. Жаҳон валюта тизимининг эволюцияси. Жаҳон валюта тизимларининг ўзига хос хусусиятлари. SDR ва бошқа халқаро ҳисоб пулларининг жаҳон валюта тизимидаги ўрни. Захира валютанинг афзаллик ва камчиликлари.

60-йиллардаги халқаро банк ишининг дастлабки ривожланиши: евровалюта бозорининг кенгайиши, хоржий банк бўлинулари кўпайиши. 70-йиллардаги нефть инкирози ва рақобатнинг ривожланиши. 80-йиллардаги қарз инкирози ва молиявий инновация. 90-йилларда молиявий интеграция жараёнлари.

Халқаро вакиллик муносабатлари. Ваколатхона ва агенликлар. Шўба банклар ва филиаллар. Қўшма банкларни ташкил этиш. Эдж корпорациялар. Халқаро банк бирликлари.

АҚШ банк тизимининг ривожланиши. ФЭТнинг ташкилий тузилмаси. Европа иттифоқининг вужудга келиши. Европа марказий банклар тизими. Европа тўлов тизими. Япония банк тизимининг ривожланиши ва ўзига хос хусусиятлари. Япония банкнинг фаолияти.

Мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантиришда халқаро молия институтлари ва улар билан боғлиқ масалалар. Ўзбекистоннинг Халқаро валюта фонди билан алоқаларини ривожлантиришдаги муаммолар. Ўзбекистонни халқаро молия институтлари билан ҳамкорлиги ривожлантириш стратегияси. Жаҳон тараққиёт ва тикланиш банкнинг банкнинг халқаро фаолиятининг асосий йўналишлари.

### 6.3. Монетар сиёсат.

Монетар сиёсатга таъсир қилувчи асосий омиллар. Марказий банкнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини таъминлаш омилли. Фискал сиёсатнинг монетар сиёсатга таъсири. Сиёсий омилнинг монетар сиёсатга таъсири.

Монетар сиёсатнинг инструментларини туркумлаш хусусидаги мунозарали қарашлар. Монетар сиёсатнинг анъанавий инструментлари ва уларнинг амал қилиш механизми. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида монетар сиёсат инструментларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари.

Захира тушунчаси ва шакллари. Расмий олтин-валюта захираларининг мазмуни ва вужудга келиш шарт-шароитлари. Расмий олтин-валюта захиралари ривожланишининг тенденциялари. Олтиннинг жаҳон иқтисодиётида тугган ўрни. Захираларнинг функциялари. Олтин-валюта захираларини бошқариш. Олтин-валюта захираларига тенглаштирилган фондлар.

Монетар сиёсатнинг тактик мақсадлари. Монетар сиёсатнинг «оралик мақсад»ини танлаш. Инфляция кўрсаткичидан «оралик мақсад» сифатида фойдаланиш: тартиби, афзалликлари, камчиликлари, амалиётда қўллаш тажрибаси. Миллий валютанинг алмашув курсидан «оралик мақсад» сифатида фойдаланиш: тартиби, афзалликлари, камчиликлари, амалиётда қўллаш тажрибаси. Пул массасининг ўсиш кўрсаткичидан «оралик мақсад» сифатида фойдаланиш: тартиби, афзалликлари, камчиликлари, амалиётда қўллаш тажрибаси.

## VII. Педагогик амалиёт

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида педагогик амалиёт очик маърузалар ва амалий машғулотлар ўтказиш, ўтилган дарсларнинг муҳокама қилиниши ва танқидий таҳлил этилишига асосланган ҳолда амалга оширилади.

Педагогик амалиёт қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда олий таълим муассасаларининг тегишли профиль кафедраларида ташкил этилади.

### Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятчи масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

### Мустақил таълим соатларни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув ишини тайёрлайди.



Битирув иши талаблари доирасида хар бир тингловчи ўзи дарс бераётган фани бўйича электрон ўқув модулларининг тақдимотини тайёрлайди.

Электрон ўқув модулларининг тақдимоти куйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

кейслар банки;

мавузулар бўйича тақдимотлар;

бошқа материаллар (фани ўзлаштиришга ёрдам берувчи қўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза магни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошқ.)

Электрон ўқув модулларини тайёрлашда куйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

-тавсия қилинган адабиётларни ўрганиш ва тахлил этиш;

-соха тараққиётининг устивор йўналишлари ва вазифаларини ёритиш;

-мутахассислик фанларидаги инновациялардан ҳамда илгор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.

Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “Электрон портфолио” тизимида киритиб бориши лозим.

#### Дастурнинг ахборот-методик таъминоти

Модулларни ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соха бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва коғоз вариантдаги манбаалардан фойдаланилади.

#### Адабиётлар:

##### 1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон хаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.

2. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун хар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.

3. И.А.Каримов. Юсак маънавият-енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. –Т.: 2008. –176 б.

4. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.: “Ўзбекистон”. 2011.-440 б.

5. И.А.Каримов. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. “Ўзбекистон”, 2015. – 302 б.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Мамлакатимизни 2015-йилда иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш якуллари ва 2016-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг мухим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи газетаси, 2016 йил, 16 январ.

## II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим - тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислох қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида”ги 1997 йил 6 октябрдаги №1869-сонли Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 1998 йил 5 январдаги 5-сонли Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни тақомиллаштириш тўғрисида”ги 1998 йил 5 январдаги 4-сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2001 йил 16 августдаги 343 - сонли Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий ўқув юрглари талабаларига стипендиялар тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисида”ги 2001 йил 17 августдаги 344 - сонли Қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги “Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 100-сонли Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 2006 йил 10 февралдаги 20-сонли Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада тақомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқлаш хусусидаги 2010 йил 18 июндаги 118-сонли Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим муассасаларининг битирувчиларини талбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2010 йил 28 июлдаги 4232-сонли Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларининг молдлий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2011 йил 20 майдаги 1533-сонли Қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий малакали илмий ва тақомиллаштириш тўғрисида”ги 2012 йил 24 июлдаги 4456-сонли Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва



9. Абдуллаева Ш., О. Галак, Банковский менеджмент и маркетинг. Учебное пособие. - Т.: "IQTSOD-MOLIYA", 2007г. - 182 с
10. Абдуллаева Ш.З., Коралиев Т.М., Ортиков У.Д. Банк ресурслари ва уларни бошқариш. Монография./ -Т.: "IQTSOD-MOLIYA" 2009.-104б.
11. Коралиев Т.М. ва бошқалар. "Пул-кредит орқали мувофиқлаштириш". Ўқув қўлланма. Т. «Iqtisod-Moliya», 2008 й. - 115 б.
12. Рашидов О.Ю., Тожиёв Р.Р., Дўсқобилов У. Марказий банкнинг монетарий сиёсати. Ўқув қўлланма, -Т.: ТДИУ, 2010. 192 бет.
13. Тоймухамедов И.Р. Банк иши. Ўқув қўлланма. - Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси наширёти, 2005. - 185 б.
14. Tay Vaughan. Multimedia: Making it Work.- USA: McGraw-Hill/Osborne Media, 2016.
15. Paul J. Ossenbruggen. Fundamental Principles of Systems Analysis and Decision-Making. 1 edition.- USA: Wiley, 1994
16. Andrew P. Sage, William B. Rouse. Economic Systems Analysis and Assessment: Intensive Systems, Organizations, and Enterprises.- USA: Wiley, 2011.
17. Ray Bert Westerfield. Banking principles and practice. -UK: Nabu Press. 2014
18. Indian Institute Of Banking and Finance. International Banking Operations. - UK: Macmillan Publisher, 2007.
19. Frederic S.Mishkin. Monetary Policy Strategy. - UK: The MIT Press, 2009.
20. Jorge Ivan Canales-Krijlenko. Foreign Exchange Market Organization in Selected Developing and Transition Economies: Evidence from a Survey / IMF Working Paper. - International Monetary Fund, 2004. -P. 5-22
21. Caballero, Ricardo J., and Arvind Krishnamurthy. 2005. "Inflation Targeting and Sudden Stops." In The Inflation-Targeting Debate, ed. Ben S. Bernanke and Michael Woodford. Chicago: University of Chicago Press.

#### IV. Электрон таълим ресурслари

1. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти портали.
2. www.edu.uz.-Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:
3. www.press-service.uz – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мағбуот хизмати расмий сайти.
4. www.uza.uz – Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги расмий сайти.
5. www.cer.uz – Иқтисодий тадқиқотлар Марказининг расмий сайти.
6. www.uzreport.com – бизнес ахборотлари портали.
7. www.InternetNews.com – янгиликлар сервери.
8. www.beri.com. (Business Environment Risk Intelligence)
9. www.cer.uz (Центр экономических исследований)
10. www.ebrd.com (The European Bank for Reconstruction and Development)
11. www.eeb.int (The European Central Bank)
12. www.forexite.com (Безопасный Форекс / Forexite)
13. www.gold.org (The World Gold Council)
14. www.imf.org (International Monetary Fund)

уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги 278-сонли Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касба ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида" ги Низоми 2012 йил 18 октябрдаги 297-сонли Қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малака илмий ва илмий педагогик кадрларни тайёрлаш аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги 2012 йил 28 декабрдаги 365-сонли Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги "Республика олий таълим муассасалари рейтингини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида" ги 371-сон Қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги "Вазирлар Маҳкамасининг "Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида" 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида" ги 3-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 мартдаги "Магистратура тўғрисида" ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 36-сонли Қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги "Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги 4732-сон Фармони.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги "Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" ги 242-сонли Қарори.

#### III. Махсус адабиётлар

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. - Т.: Молия, 2003. - 192 б.
2. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари.- Т.; 2000. - 218 б.
3. Исмаилов А.А., Жалалов Ж.Ж, Саттаров Т.К, Ибрагимходжаев И.И. Инглиз тили амалий курсидан ўқув-ўқувчи мажмуа. Basic User/ Breakthrough Level A1/- Т.: 2011. - 182 б.
4. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). - Т.: "Истеъдод" жамғармаси, 2008. - 180 б.
5. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). - Т.: "Истеъдод" жамғармаси, 2009. - 160 б.
6. Саттаров Э., Алимов Х. Бошқарув мулоқоти. - Т.: "Академия", 2003. - 70 б.
7. Махмудов И.И. Бошқарув психологияси. - Т.: 2006. - 230 б.
8. Махмудов И.И. Бошқарув профессионализи: психологик таҳлил. - Т.: "Академия", 2011. - 154 б.



“ИШГА ЎЗГАРТИРИЛГАН”

Олий таълим тизмида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг маълумоти оширишни таъминлаш бўлими раҳбари

Директор \_\_\_\_\_ И.У. Бегимкулов

“ ” 201\_\_ й.

М.Ў.



Ташкент давлат педагогика университети

Ректор \_\_\_\_\_ М.А. Болтаев

“ ” 201\_\_ й.

Ташкент давлат иқтисодиёт университети хузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг маълумоти ошириш тармоқ маркази

Директор \_\_\_\_\_ Г.Н. Ахунова

“ ” 201\_\_ й.

М.Ў.



“КЕЛИШИЛГАН”

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Олий таълим муассасалари Бош бошқармаси

Бошқарма бошлиғи \_\_\_\_\_ И.У. Мажидов

“ ” 201\_\_ й.

М.Ў.

*[Handwritten signature]*